

ТИШЛАРНИНГ НОКАРИОЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАРҚАЛИШИДА СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ



Олимов Сиддиқ Шарипович, Бакаев Жасур Нажмиддинович, Бадриддинов Баҳром Бахтиёрович,
Юнусова Умида Ахмадҷоновна
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

ЗНАЧЕНИЕ СОМАТИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПРИ РАСПРОСТРАНЕНИИ НЕКАРИОЗНЫХ ПОРАЖЕНИЙ ЗУБОВ

Олимов Сиддик Шарипович, Бакаев Жасур Нажмиддинович, Бадриддинов Баҳром Бахтиёрович,
Юнусова Умида Ахмадҷоновна
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

THE IMPORTANCE OF SOMATIC DISEASES IN THE SPREAD OF NON-CARIOUS DENTAL DISEASES

Olimov Siddik Sharipovich, Bakaev Jasur Najmiddinovich, Badriddinov Bahrom Bakhtiyorovich,
Yunusova Umida Akhmadjonovna
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: info@bsmi.uz

Резюме. Жами беморларнинг 419 тасида (73 %), шу жумладан 69 эркак ва 350 аёлларда нокариоз тиш зарарланиши аниқланган. Иккинчи гуруҳнинг, яъни тишлар чиққандан кейин содир бўлган нокариоз зарарланишлари кўпроқ таххис кўйилди: эмал эрозияси 47 % ҳолатда учраган бўлса, понасимон нуқсонлар (20%) ва патологик едирилиши (22%) сезиларли даражада кам учради. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, нокариоз зарарланишларнинг умумий сони сўнги йилларда бир неча марта кўнайган. Уларнинг ҳар бирининг тарқалиши ўртача 7-8% га ошган. Биринчи гуруҳнинг нокариоз зарарланишига келсак, хусусан тизимли эмал гипоплазияси текширилаётган беморларнинг 94,0% ҳаётнинг биринчи йилларида оғир болалик инфекциялари, дискинезия, аллергия реакциялар, рахит ва бошқалар умумий соматик касалликлар билан касалланганлик тарихига эга эканлиги аниқланди.

Калим сўзлар: нокариоз зарарланиши, понасимон нуқсон, патологик едирилиши, эрозия, ҳамроҳ касалликлар.

Abstract: 419 (73%) of the total number of patients whose medical records were examined, including 69 men and 350 women, were found to have dental lesions with nocariosis. Lesions of the second group, that is, nokaryosis, which occurred after teething, were diagnosed more often: if enamel erosion was detected in 47% of cases, then wedge-shaped defects (20%) and pathological maturity (22%) were significantly less. As can be seen from the information provided, the total number of cases of nocariosis has increased several times in recent years. Thus, the prevalence of enamel erosion increased from 33.3% to 54% at the last stage of the survey. The number of wedge-shaped defects and pathological maturation of teeth has changed to a low level. At the same time, new forms of lesion appeared, for example, dental necrosis of chestnuts, dental necrosis formed on a computer, and other pathology (7.7%), which had not previously been encountered. The prevalence of each of them increased by an average of 7-8%. As for the lesions of the first group of nocarioses, it was found that 94.0% of patients, in particular those who were examined for systemic enamel hypoplasia, had a history of severe childhood infections, dyskinesia, allergic reactions, rickets, etc. in the first years of life with common somatic diseases. Therefore, it is necessary to take into account the role of concomitant pathologies in almost all nosological forms of nokaryotic dental lesions.

Keywords: not carious defeats, pathological erasability, wedge-shaped defects, erosion, concomitant disease.

Долзарблиги: Тишларнинг қаттиқ тўқималари касалликлари Ўзбекистон ва дунёнинг бошқа мамлакатлари аҳолиси орасида кенг тарқалган. Тиш қаттиқ тўқималарининг

нокариоз зарарланишлари тиш қаттиқ тўқималари патологиясининг кенг тарқалган гуруҳидир, шу жумладан ташқи кўриниши ва этиологияси

ўхшаш кўплаб нозологик шаклларни ўз ичига олади.

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатадики, 1987-1988-йилгача тишларнинг нокариоз зарарланишлари тарқалиши паст кўрсаткичда ва 15-20% ни ташкил этган, фақат айрим касб-хунар соҳаларида юқори бўлган. Бу кўпинча ишлаб чиқариш муҳитининг кимёвий, махсус ва стресс омилларининг таъсири ва иш шароитлари билан изоҳланади [1, 3, 5, 7, 13].

Олимлар [7.9.12] томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нокариоз зарарланишлар 1000 нафар 16-60 ёшли Россия аҳолиси орасида 10% ни ташкил этган. ЖССТ (1999) маълумотларига кўра еса, 12 яшар болаларнинг 43,5% ва 15 яшар болаларнинг 41,7% нокариоз зарарланишлар аниқланган. Муаллифлар [14.15.16] томонидан ўтказилган тадқиқот кўрсатадики Фарбий Австралияда истиқомат қилувчи болаларнинг 50% ида болалар флюороз учраган. Бундан ташқари тиш рангининг ўзгаришига антибиотик олиш ҳам сабаб бўлиши мумкин [2.4.9.10]. Адабиёт таҳлили натижаларига кўра тишлар чиққандан кейин юзага келадиган нокариоз зарарланишларнинг тарқалиши сўнгги йилларда сезиларли даражада ошганлигини кўрсатади [4.6.8.10]. Маълумотга кўра, беморларнинг турли гуруҳларида гиперэстезия (60% гача) рўйхатга олинган Шундай қилиб, 74% беморларда нокариоз зарарланишлар аниқланган бўлиб: эмал эрозияси 47,2 %, понасимон нуқсон – 19,3 %, патологик едирилиш – 21,8 %, гиперэстезия – 67,3% ни ташкил этган [11.13.16].

Тадқиқотнинг мақсади: Самарқанд вилоятининг аҳолиси орасида қаттиқ тиш тўқималарининг нокариоз зарарланиши тарқалишини аниқлаш.

Тадқиқот усуллари ва объектлари: Тадқиқот дастурини тузишда ижтимоий-гигиеник тадқиқотларнинг классик ва замонавий усулларида фойдаланилди, кейинчалик олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинди.

Белгиланган вазифаларга мувофиқ 2017-2020 йиллар мобайнида Бухоро вилоят стоматология поликлиникасида 16 – 55 ёшгача бўлган 574 нафар стоматолог тиббий кўриқидан ўтган беморларнинг тиббий картаси ўрганиб чиқилди.

Тадқиқотда қуйидаги усуллардан фойдаланилди: статистик, ахборот-таҳлилий ва киёсий таҳлил.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Тиббий картаси текширилган жами беморларнинг 419 тасида (73 %), шу жумладан 69 эркак ва 350 аёлларда нокариоз тиш зарарланиши аниқланган. Иккинчи гуруҳнинг, яъни тишлар

чиққандан кейин содир бўлган нокариоз зарарланишлари кўпроқ ташхис қўйилди: эмал эрозияси 47 % ҳолатда учраган бўлса, понасимон нуқсонлар (20%) ва патологик едирилиш (22%) сезиларли даражада кам учради. Шу билан бирга биринчи марта аниқланган биргаликда кўшилиб келган тиш зарарланиш шакллари аниқланди (6.7 %). Гиперэстезия ҳолати жами 352 (61 %) кишида аниқланган. Биринчи гуруҳ, яъни тишлар чиққунча содир бўлган нокариоз зарарланиш камдан-кам (5%) ҳолатда учради. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, нокариоз зарарланишларнинг умумий сони сўнгги йилларда бир неча марта кўпайган.

Шундай қилиб, эмал эрозияси тарқалиши 33,3% дан, сўровнинг охири босқичида 54% га ошди. Понасимон нуқсон ва тишларнинг патологик едирилиши сони паст даражада ўзгарди. Шу билан бирга зарарланишларнинг янги шакллари пайдо бўлди, масалан, кашандалар тиш некрози, компьютерда ҳосил бўладиган тиш некрози ва илгари учрамаган бошқа патология (7,7 %). Шу билан бир қаторда, биринчи гуруҳнинг нокариоз зарарланишларида, жумладан, эмал гипоплазия, тиш флюорози, медикаментоз ва токсик, шунингдек, тиш ривожланишининг ирсий бузилишларида сезиларли даражада ўсиш мавжудлигини таъкидлаш керак. Уларнинг ҳар бирининг тарқалиши ўртача 7-8% га ошган.

Нокариоз тиш зарарланишлари мавжуд одамларнинг ўртача 74,88 %ида соматик касалликларнинг айрим турлари мавжудлиги аниқланди. (1-жадвал). Тишларнинг нокариоз зарарланишининг алоҳида нозологик шаклларига нисбатан ҳамроҳ касалликларини таҳлил қилиш алоҳида қизиқиш уйғотади.

Касаллик тарихи варақалари маълумотларни таҳлил қилинганда, тиббиёт ходимларини текширишда олинган натижаларни тасдиқлади. Шундай қилиб, оғиз бўшлиғида нокариоз зарарланишлар мавжуд бўлганда уларнинг 93% ида турли ҳамроҳ касалликлари борлиги аниқланди.

Кейинчалик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тишлар чиққандан кейин ривожланган нокариоз шикастланишларнинг деярли барча нозологик шакллари умумий соматик касалликлар билан боғлиқ, чунки эндокрин касалликлари ва бузилишлари олдинги гуруҳда текширилган беморларда кўпинча аниқланган. Шу жумладан понасимон нуқсонлари учун улар 39% ни, патологик едирилиш учун-48% ни, эрозиялар учун – 65% ни ва қўшма зарарланишлар учун – 78% ни ташкил этди.

Жадвал 1. Тиббиёт мутахассислари тоонидан текшириш вақтида аниқланган фон касалликлари ҳақида маълумот (%)

Тишларнинг нокариоз зарарланишлари	Касалликлар ва функцияларнинг бузилиши		Умумий соматик касалликлар	Қўшилиб келган умумий касалликлар	Умумий ҳамроҳ касалликлар
	Қалқонсимон без	Бошқа эндокрин безлар			
Понасимон нуқсон	28,05	24,39	26,83	10,97	90,24
Патологик едирилиш	24,44	17,78	25,56	15,56	83,34
Эрозия	37,88	33,34	19,19	20,71	100
Қўшма шикастланишлар	20,71	25,00	25,71	21,43	92,85
Нокариоз зарарланишлари мавжуд бўлмаган шахслар	6,72	10,92	23,29	20,40	61,33

Шундай қилиб, аҳоли гуруҳлари сўровидан олинган маълумотлар, шунингдек, тиббий маслаҳат сўраган беморларнинг касалланишини таҳлил қилиш, сўнгги беш йил ичида нокариоз зарарланишларининг сезиларли даражада кўпайганини кўрсатди. Шу билан бирга, сўров бўйича нокариоз зарарланишларининг тарқалиши 73% ни ташкил этди, бу 1987-1988 йилгача бўлган адабиёт манбаларидан бир неча баробар кўпдир.

Бундан ташқари, олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 41-45% ҳолларда энг кўп учрайдиган бу тишларнинг нокариоз зарарланиши нисбатан ёш (31 – 40 ёш) одамларда аниқланган. Бу эндокрин патология билан нокариоз зарарланишларининг яқин муносабати ҳақида қуйидаги маълумотларни тушунтиради. Тадқиқотнинг жуда муҳим натижаси – нокариоз зарарланишлари ва ҳамроҳ касалликлари ривожланиши ўртасидаги яқин муносабатдир. Жуда муҳим фактга эътибор бериш керакки – эндокрин касалликлари ва бузилишлари репродуктив ёшдаги (45 – 40 йил) ёшларда кўпроқ (31% дан ортик) аниқланди. Шу билан бирга, аёлларда эркакларга нисбатан 2-3 баробар кўп. Қалқонсимон ва жинсий безларнинг энг кўп кузатиладиган зарарланиши: тугунли бўқоқ 39% ҳолларда, аутоиммун тиреоидит – 46 %, кисталар – 6.1 %, тиреотоксикоз фақат 3% ҳолларда аниқланган.

Биринчи гуруҳнинг нокариоз зарарланишига келсак, хусусан тизимли эмал гипоплазияси текширилаётган беморларнинг 94,0% ҳаётнинг биринчи йилларида оғир болалик инфекциялари, дискинезия, аллергия реакциялар, рахит ва бошқалар умумий соматик касалликлар билан касалланганлик тарихига эга эканлиги аниқланди.

Гипервитаминоз Д синдроми сўнгги йилларда кўпроқ яъни, кўриқдан ўтган беморларнинг ўртача 8-12% ида топилган. Бу бола ҳаётининг дастлабки икки йилида Д

витамини истеъмол миқдорининг оширилгани билан боғлиқ. Шу сабабли, тишларнинг нокариоз зарарланишларининг деярли барча нозологик шаклларида ҳамроҳ патологияларнинг ролини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Абдазимов А.Д. Профилактика и лечение стоматологических заболеваний рабочих, подвергавшихся комбинированному воздействию полиметаллической пыли и токсических веществ: автореферат: дис. – Л.: автореф. дис. докт. мед. наук, 1990.
2. Ризаев Ж. А., Муслимов О. К., Асадуллаев Н. С. Оценка роли биохимических маркеров костного ремоделирования и содержание цитокина il-6 у больных клиновидным дефектом зуба //Журнал теоретической и клинической медицины. – 2018. – №. 3. – С. 103-105.
3. РизаевЖ.А., Кубаев А.С. Preoperative mistakes in the surgical treatment of upper retro micrognathia// International Journal of Pharmaceutical Research | Jan - Mar 2020 | Vol 12 | Issue 1
4. Олимов С.Ш. Значение метоболических показателей слюны в развитии зубочелюстных аномалий у детей с метоболическим синдромом.// “Стоматологик касалликларни даволашда ва профилактикасидаги долзарб муаммолар” илмий амалий конференцияси Бухоро 2016.- 33бет.
5. Олимов С.Ш., Бадриддинов Б.Б., Тожиев Ф.И. О гистологическом статусе протезного ложа у больных сахарным диабетом.// 88-я всероссийскаянаучно-практическая конференциястудентов и молодых ученых Казань. 2014 г. С 375.
6. Олимов С.Ш., Бадриддинов Б.Б. Улучшение лечения среднего кариеса постоянных моляров у детей.// 89-я всероссийскаянаучно-практическая конференциястудентов и молодых ученых Казань. 2015 г. С 410.
7. Олимов С.Ш., Бадриддинов Б.Б. Роль нормальной микрофлоры в развитии болезней пародонта у

детей.// 89-я всероссийская научно-практическая конференция студентов и молодых ученых Казань. 2015 г. С 411.

8. Олимов С.Ш., Microbial spectrum and local state of resistance Oral cavity of workers gas processing plantce.// “Стоматологик касалликларни даволашда ва профилактикасидаги долзарб муаммолар” илмий амалий конференция Бухоро 2016 34-бет.

9. Олимов С.Ш., Бадриддинов Б.Б. Ўткир герпетик стоматит билан касалланган болаларда галавит припаратини қўллаш.// II Талабалар, магистрлар ва клиник ординаторлар халқаро илмий-амалий анжумани Бухоро 2016 18-19 бет.

10. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Фазилова Г.Ф., Касимова Г.В., Анатомио-гистологическое строение тканей пародонта и его физиологические особенности.// Ўқув услубий қўлланма. Тошкент 2008. 18 бет.

11. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Абдримов И.С., Маматкулов Х.А., Современные композитные пломбировочные материалы химического и светового отверждения. Бондинговые системы.// Методическая рекомендация. Тошкент 2011. 32 бет.

12. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Отабоев Ш.Т. Экологик барқарорлик, стоматология ва инсон саломатлиги.// Ўқув Қўлланма Тошкент 2014. 330 бет. 13. Олимов С.Ш., С.А. Гаффаров., Н.Н. Ахмадалиев. Взаимосвязь между аномалиями зубочелюстной системы и соматических заболеваний у детей.// «Назарий ва клиник тиббиёт журнали» №2. Тошкент-2016. 74-77 б.

13. Олимов С.Ш., Immune disorders of dentoalveolar anomalies in schoolchildren.// British Journal of advances in medicine and medical research 30(3); Лондон-2019; 1-5.

14. Олимов С.Ш., Saidov A.A. Gafforov S.A. Akhmadaliev N.N., Assessment of hepatobiliary system with dentoalveolar anomalies in schoolchildren.//

International journal of research volume 06 issue 03 576-583 March. 2019 USA.

15. Олимов С.Ш., Saidov A.A, Gafforov S.A, Akhmadaliev N.N. Бухоро вилояти мактаб ўқувчиларида аралаш сўлакнинг элемент таркиби тавсифи.// Journal of biomedicine and practice №4 Тошкент 2019 64-70 бет.

ЗНАЧЕНИЕ СОМАТИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПРИ РАСПРОСТРАНЕНИИ НЕКАРИОЗНЫХ ПОРАЖЕНИЙ ЗУБОВ

Олимов С.Ш., Бакаев Ж.Н., Бадриддинов Б.Б., Юнусова У.А.

Резюме. У 419 (73%) из общего числа пациентов, чья медицинская карта была обследована, в том числе 69 мужчин и 350 женщин, было выявлено поражение зубов некариозом. Поражения второй группы, то есть некариоз, возникшие после прорезывания зубов, диагностировались чаще: если эрозия эмали обнаруживалась в 47% случаев, то клиновидных дефектов (20%) и патологической зрелости (22%) было значительно меньше. При этом впервые были определены формы поражения зубов с прикреплением суставов (6,7 %). Состояние гиперестезии было определено в общей сложности у 352 (61 %) человек. Таким образом, распространенность эрозии эмали увеличилась с 33,3% до 54. Распространенность каждого из них увеличилась в среднем на 7-8%. Что касается поражений первой группы некариозов, то было установлено, что 94,0% больных, в частности те, у кого была обследована системная гипоплазия эмали, имели в анамнезе тяжелые детские инфекции, дискинезии, аллергические реакции, рахит, etc. in первые годы жизни с распространенными соматическими заболеваниями. Поэтому стоит учитывать роль сопутствующих патологий практически во всех нозологических формах некариозного поражения зубов.

Ключевые слова: некариозные поражения, патологическая стираемость, клиновидные дефекты, эрозии, сопутствующие заболевания.